
Камбағалликдан холи маҳалла

Ўзбекистон туманидаги Яйпангузар маҳалласи раиси Абдувоҳид Ҳринов 12 йилдан буён шу вазифада. 2180 нафар фуқароси бўлган 536 та хонадон аҳлига “ота”лик қилади. Қачон қараманг, ҳали унинг, ҳали бунинг масаласи кетидан югуради, масъуллар кабинети эшигини қоқиб бораверади. Натижа эса ибратли.

– 536 та хўжалик газлашган. Электр, газ, сувдан ҳам муаммомиз йўқ. Ҳтган йили 2 км сув қувури тортилди, – дейди “Яйпангузар” МФЙ раиси Абдувоҳид Ҳринов. – Камбағал оилалар йил бошида 12 та эди. Ҳозир маҳалламизда камбағаллик қолмади.

Юқори Қўрғонча кўчасининг этагида далаларга туташ гуваладан тикланган пастқамгина уй бор эди. Унда Тешабоева Гулчеҳрагон ўғли Шоҳаббос билан яшайди.

– Турмуш ўртоғим дорбоз эдилар, ўғлим 4 ойлик чақалоқлигида дордан тушиб кетиб оламдан ўтди. Кейин онам билан яшадим. Улар ҳам 2017 йилда вафот этди. Фарзандимни ўзим тарбия қилдим, – дейди хонадон соҳибаси.

Батафсил: https://uza.uz/uz/posts/kambagallikdan-xoli-mahalla_651722

Видео: <https://www.youtube.com/watch?v=CTTR9x2CQNU>

2024-10-30 16:55:30